Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1988 йил 8 декабрь
ПАЙШАНБА
№ 280 (4.479).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

## Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 7 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XII пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Республика партия органлари аппарати структурасини қайта ташкил этиш тўғрисида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияларини тузиш ҳақида» ахборот берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «Республика партия органлари аппарати структурасини қайта ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Пленум В. П. Анишчевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш масалалари комиссиясининг раиси, Р. Н. Нишоновни идеология комиссиясининг раиси, П. Қ. Ҳабибуллаевни ҳуқуқ масалалари комиссиясининг раиси, Ш. З. Қамолхўжаевни социал-иқтисодий ривожланиш масалалари комиссиясининг раиси, Д. Д. Берковни агросаноат комплекси масалалари комиссиясининг раиси этиб тасдиқлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари этиб сайлангани муносабати билан у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири бўлиб ишлаб келган Ш. З. Қамолхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Пленум П. В. Догонкинни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири, Ш. С. Зиёмовни идеология бўлимининг мудири, Ш. Р. Мирсаидовни социал-иқтисодий бўлим мудири, В. Д. Великановни давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири, Қ. Т. Тоировни умумий бўлим мудири, Р. Ҳ. Абдуллаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли Комиссиясининг раиси, З. Ҳ. Ҳайдаровни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар мудири қилиб тасдиқлади.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. Қаюмов ўзини бошқа ишга ўтказиш тўғрисида ариза берганлиги муносабати билан шу газета редакторининг ўринбосари бўлиб ишлаб турган У. И. Усмонов «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори этиб тасдиқланди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари И. Ж. Жабборов, Н. Р. Ражабов, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев ўз обрўсига доғ туширганликлари учун уларни КПСС сафидан чиқарди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

## М. С. ГОРБАЧЕВ Нью-Йоркка келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачев БМТ Бош ассамблеясининг 43-сессиясида қатнашиш учун 6 декабрь куни Москвадан Нью-Йоркка жўнаб кетди. Кейинчалик у Куба ва Буюк Британия раҳбарларининг таклифига биноан расмий визит билан ана шу мамлакатларга боради.

М. С. Горбачевнинг сафарида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. Н. Яковлев, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. М. Каменцев ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Кубанинг СССРдаги элчиси Х. Камачо, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси Р. Брейтвейт, АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Р. Смит бор эдилар.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 7 декабрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачев БМТ Бош ассамблеясининг 43-сессиясида қатнашиш учун 6 декабрь куни Нью-Йоркка келди. Жон Кеннеди номли аэропортда М. С. Горбачевни рафиқаси билан ва унга ҳамроҳ бўлиб келган кишиларни БМТ Бош секретарининг ёрдамчиси, БМТ протокол ва алоқа секциясининг раҳбари элчи Али Темур, АҚШнинг СССРдаги элчиси Ж. Мэтлок, АҚШнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили В. Уолтерс, АҚШ давлат департаменти протокол бўлимининг бошлиғи Селва Рузвельт кутиб олдилар. Кутиб олишда Совет томонидан СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Бессмертних, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. Ф. Петровский, СССРнинг АҚШдаги элчиси Ю. В. Дубинин, СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили А. М. Белоногов, Украина ССР ташқи ишлар министри В. А. Кравец, Белоруссия ССР ташқи ишлар министри А. Е. Гуринович, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

М. С. Горбачев аэропортда совет ва чет эл журналистларига баёнот берди:

Аввало совет халқи номидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номига салом сўзлари топширмоқчиман, шунингдек Америка халқига, Нью-Йорк аҳолисига астойдил ҳурмат туйғуларини изҳор қилмоқчиман.

Дунёда рўй бераётган муҳим ўзгаришлар БМТ олдида унинг халқлар бахт-саодати йўлидаги бениҳоя масъулиятли фаолияти учун янги имкониятлар очади. Биз Бош ассамблея сессиясида сўзлайдиган нутқимизда чинакам кенг қамровли асосда тинчлик ва хавфсизлик негизларини вужудга келтиришга янги омил бахш этиш тарафдори эканимизни айтамиз. Бунинг учун БМТ энг муносиб жой, деб ўйлайман. Шу боисдан ҳам биз бу ерга келдик. Биз Нью-Йоркда бўлган вақтимизда президент Р. Рейган билан бўладиган бешинчи учрашувни ва шу юксак лавозимда унинг ўрнини олишга ҳозирлик кўраётган Ж. Буш билан учрашувни зўр қизиқиш билан кутаяпмиз. Бу галги учрашув Совет — Америка мулоқоти активлигининг тасдиғидир, бу мулоқот иккала мамлакатимиз халқларининг, бутун дунё халқларининг манфаатлари йўлида келгусида ҳам амалий тусда ривожланаверишига аминмиз.

Биз БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр билан ва БМТ Бош ассамблеяси 43-сессиясининг раиси, Аргентина ташқи ишлар министри Д. Капуто билан ҳам суҳбатлар ўтказамиз, бу суҳбатлар бизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ўзаро алоқамизни мустаҳкамлашга хизмат қилишидан умидвормиз. Аминманки, менинг Нью-Йоркдаги бошқа учрашувларим ҳам СССР билан АҚШ ўртасидаги ҳамжиҳатликни, барча халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстликни ривожлантиришга кўмаклашади.

Америка халқига, Нью-Йорк аҳолисига осойишталик ва омон-эсонлик тилайман.

(ТАСС).

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

САМАРҚАНД, 6 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун Самарқанд область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари область партия комитетининг область ҳисобот-сайлов партия конференциясига ҳисобот докладини тасдиқладилар.

Пленумда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари А. С. Икромов нутқ сўзлади.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ОРГАНЛАРИ АППАРАТИ СТРУКТУРАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳозир ишлаб турган бўлимларини тугатиш ҳамда ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш, идеология, социал-иқтисодий, аграр, давлат-ҳуқуқ, умумий бўлимларини ташкил этиш ҳақидаги таклифига рози бўлинсин. Ишлар мудирлиги ва Марказий Комитет ҳузуридаги Партия Контроли Комиссияси сақлаб қолинсин. Марказий Комитет секретариати ҳузурида инспекторлар группаси тузилсин. Бунда Марказий Комитет аппарати масъул ходимларининг умумий сони 26 процентгача қисқартирилсин.

Область партия комитетларида худди шундай бўлимлар ташкил этилгани, партия аппаратининг сони ҳам анча қисқартирилгани маълумот учун қабул қилинсин. Шаҳар ва район партия комитетлари структурасида ташкилий бўлимлар билан идеология бўлимлари тузилди. Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳар партия комитетларида социал-иқтисодий бўлимлар ташкил қилинди. Шаҳар ва район партия комитетларида умумий бўлимлар асосан сақлаб қолинди, 27 та қишлоқ район партия комитети бундан мустасно бўлиб, ана шу партия комитетларида мазкур бўлимлар ўрнига иш юритиш секторлари тузилган. Юқоридаги барча партия комитетларида партия комиссиялари сақлаб қолинган.

2. Марказий Комитет бюроси ва секретариати, область, шаҳар ва район партия комитетлари партия аппарати структурасини қайта ташкил этиш давомида уни энг яхши тайёргарлик кўрган, зарур фазилатларга, ҳаётий ва партиявий-сиёсий тажрибага эга бўлган, ишни янгича ташкил эта оладиган, коммунистлар билан партиясизларнинг ишончига сазовор бўлиб, обрў орттирган, бошланғич партия ташкилотларининг тавсияномасини олган билимдон ходимлар билан таъминласинлар.

Қисқартирилаётган ходимларни партия, давлат, хўжалик фаолияти ва жамоат фаолиятининг муҳим соҳаларини мустаҳкамлашга, қуйи партия бўғинларига йўллаш керак.

Партия органлари аппарати структурасини қайта ташкил этишга доир барча ишлар шу йилнинг охиригача туталлансин.

3. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия комитетларининг диққат-эътиборини шунга алоҳида жалб этадики, партия органлари аппаратларини қайта ташкил этиш улар фаолиятининг функциялари, мазмуни ва методлари тубдан ўзгартирилишини тақозо қилади. Партия аппарати ходимлари буйруқбозлик услубини қатъиян бартараф этишларига, сиёсий раҳбарлик бутун чоралар билан кучайтирилишини, партия турмушининг демократик принциплари қарор топтирилишини таъминлашларига, ўз эътиборларини ташкилотчилик ва тарбиявий ишни такомиллаштиришга, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилашга қаратишларига эришиш зарур.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КОМИССИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси, КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль пленуми қарорларига мувофиқ ҳамда қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг масъулияти оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қуйидаги комиссияларини тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин: ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш масалалари комиссияси, идеология комиссияси, социал-иқтисодий ривожланиш масалалари комиссияси, аграр-саноат комплекси масалалари комиссияси, ҳуқуқ масалалари комиссияси. Комиссияларнинг составлари тасдиқлансин.

2. Марказий Комитет пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссиялари тузилганлиги коллектив партиявий раҳбарликни ривожлантиришга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатларини, республика партия ташкилоти ревизия комиссияси аъзоларини партиявий ишнинг энг муҳим йўналишларида фаол қатнашишга жалб этишга кўмаклашиши керак, деб ҳисоблайди.

Комиссиялар ўз соҳалари бўйича муаммоларни ўрганадилар ҳамда партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш, КПССнинг сиёсий йўл-йўриқларини амалга ошириш борасида Марказий Комитет учун таклифларни ишлаб чиқадилар. Улар партия қарорлари қандай бажарилаётганини таҳлил қиладилар, республикани ривожлантиришга доир энг муҳим ва истиқболли масалаларни дастлабки тарзда ишлаб чиқиб, шу мақсадда партия активларини, олимлар, мутахассисларни, ишлаб чиқариш илғорларини, қайта қуришнинг актив қатнашчиларини жалб этадилар. Кўриб чиқиш якунлари юзасидан комиссиялар Марказий Комитетнинг бюросида ва пленумларида муҳокама қилиш учун ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда таҳлилий материалларни тақдим этадилар.

Марказий Комитет бюросининг топшириғига биноан комиссиялар қарорларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан, социал-иқтисодий ривожланиш масалалари юзасидан хулосаларни берадилар. Комиссиялар иш формалари ва методларини такомиллаштириш борасида республика партия комитетлари билан партия ташкилотларига амалий тавсияномаларни ишлаб чиқишлари мумкин.

3. Комиссияларнинг ихтиёрига кирувчи масалалар мазкур комиссияларнинг мажлисларида коллектив равишда муҳокама этилиб, ҳал қилинади, бундай мажлислар заруратга кўра, аммо камида ҳар уч ойда бир марта ўтказиб турилади. Комиссиялар ишчи группаларини тузишлари, комиссиянинг айрим аъзоларига топшириқлар беришлари мумкин. Комиссиялар ўз ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тегишли бўлимларига, партия, совет органларига, жамоат ташкилотлари ва ижодий ташкилотларга таянадилар. Комиссияларнинг ишлаши учун ташкилий-техникавий шароитларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг умумий бўлими билан ишлар мудирлиги таъминлайдилар.

Комиссияларнинг ишини оммавий ахборот воситалари оператив равишда ёритиб боради, ҳужжатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ахборот бюллетенида эълон қилинади.

## Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

6 декабрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлиси бўлди. Марказий Комитет аппаратининг структурасини қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети системасида хўжасизлик ва нефть маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳоллари, бошқа тартиб бузарликлар тўғрисида аризалар билан партия ва совет органларига бир неча марта мурожаат қилган Тошкент автозаправка станциялари ҳамда махсус автотранспорт корхонаси ходимларининг хатларини текшириш натижалари кўриб чиқилди. Шу нарса аниқландики, Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг раҳбарлари В. А. Ҳамидов, В. И. Давиденко, Ё. Т. Мўминов ўртоқлар жойлардаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганмаяптилар ва таҳлил қилмаяптилар, ходимларга нисбатан принципсизликка йўл қўймоқдалар ва уларга талабчанлик қилмаяптилар, тартиб-қоидалар бузилишига тоқат қилиб келмоқдалар. Натижада кўпгина нефть базаларида нефть маҳсулотлари нест-нобуд қилиниб, талон-торож этилмоқда, фонд интизоми бузилмоқда, истеъмолчиларга ёнилғи кам етказиб берилмоқда. Ёнилғини қабул қилиб олиш, сақлаш ва бериш юзасидан белгиланган тартиб қўпол равишда бузилмоқда. Ёнилғилар аралаштирилмоқда ва асоссиз равишда ҳисобдан чиқариб юборилмоқда, орттириб қолинмоқда, бу эса ўғирликларга, порахўрликка ва бошқа суиистеъмолчиликларга олиб келмоқда.

Салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаблар ўрганилмаяпти, ўғирликларнинг йўлини тўсиб қўйиш юзасидан узил-кесил чоралар кўрилмаяпти. Нефть базалари ва автозаправка станцияларининг кўпи ташландиқ ҳолда бўлиб, хўжалик юритиш янги методлари ниҳоятда секинлик билан жорий этилмоқда.

Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг коллегияси, область бирлашмаларининг раҳбарлари кадрлар билан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Тармоқ раҳбарлари ва мутахассислари орасида кишиларнинг 60 проценти ўз маълумотига кўра соҳага мувофиқ келмайди.

Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг раиси ўртоқ В. А. Ҳамидов тармоқнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишдан ўзини четга олди. Республиканинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хўжасизликка, нефть маҳсулотларини талон-торож қилиш ва ўғирлашга қарши курашни сусайтириб юбордилар.

Марказий Комитет бюроси тармоққа раҳбарликдаги жиддий камчиликлари, хўжасизликни, исрофгарчиликни, социалистик мулк ўғирланишини тугатиш борасида таъсирчан чоралар кўрмаганлиги учун КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг раиси ўртоқ В. А. Ҳамидовга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилди.

Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ В. И. Давиденкога қаттиқ виговор, Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Ё. Т. Мўминовга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан виговор эълон қилинди, Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитети бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ф. Я. Иброҳимов коммунист-раҳбарларга нисбатан принципсизлик қилганлиги ва уларнинг ножўя ишларга йўл қўйиб берганлиги учун огоҳлантирилди.

Тошкент шаҳар партия комитетига, Киров район партия комитетига коммунистик ахлоқ нормаларини бузишга, ишда суиистеъмолчиликларга йўл қўяётган, коллективда носоғлом вазият ва группабозлик вужудга келишига имконият яратган автозаправка станциялари ҳамда махсус автотранспорт корхонаси коммунистларининг партиявий жавобгарлигини кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига республика нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг раҳбариятини мустаҳкамлаш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг мажлисида бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XII ПЛЕНУМИ ТАСДИҚЛАГАН КОМИССИЯЛАРИНИНГ СОСТАВЛАРИ

### ТАШКИЛИЙ-ПАРТИЯВИЙ ИШ ВА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ МАСАЛАЛАРИ КОМИССИЯСИ

**АНИШЧЕВ Владимир Петрович** — комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари

### КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

**АБДУЛЛАЕВ Муҳиддин Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Қумқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари

**АЙДАРҚУЛОВ Абдуҳолиқ Абдураҳмонович** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Сирдарё область Совети ижроия комитетининг раиси

**АЛИМОВА Ҳалимахон** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Узсовпроф раиси

**ВАҲОБОВА Фотима** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Бухоро пиллакашлик фабрикасининг ишчиси

**ДОГОНКИН Пётр Васильевич** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири

**ИСКАНДАРОВ Мирзағани** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент Олий партия мактабининг ректори

**ЭШБЕКОВ Искандар Дўстмуҳамедович** — Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзоси, Самарқанд область Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

**КУННАЗАРОВ Ўринбой** — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қорақалпоғистон АССР Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

**НОСИРОВ Азиз** — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари

(Давоми 3-бетда).

